



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 2 ноябрь, № 233 (8576)


Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида тунги Самарқанд бўйлаб сайр қилди.



Давлат раҳбарлари ЮНЕСКО-нинг Жаҳон мероси рўйхатиغا киритилган Регистон мажмуасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмонга ушбу Шарқ меъморчилиги дурдонасининг қурилиш тарихи, ноёб нақшлари, ушбу маскан билан боғлиқ машҳур воқеа ва шахслар хусусида сўзлаб берилди.

Франция Президентининг ташрифи Самарқандда ўтаётгани ва айнан Регистондан бошлангани бежиз эмас. Бу ерда халқларимиз ўртасидаги тарихий муштаракликни мужассам этган жиҳатлар кўп.

Хусусан, соҳибқирон Амир Темур буюк саркарда, савдо ва илм-фан хомийси сифатида Осиё ва Европада рўй берган тарихий ўзгаришларга катта таъсир кўрсатган. XV асрда Парижда унинг шарафига “Европанинг халоскорига” деган ёдгорлик қўйилган. Амир Темур ва Франция қироли Карл VI бир-бирига мактублар юбориб, алоқа ўрнатган. Ўзиш-маларда сиёсий масалалар би-

лан бир қаторда савдо-иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор қаратилган.

Францияда буюк Соҳибқирон ва теурийлар ҳақида кўплаб илмий, бадиий асарлар яратилган. Жумладан, француз мутафаккири ва адаби Вольтер асариди Мирзо Улуғбек, машҳур ёзувчи Жюль Верн романида Регистон маҳобати ҳақида тўлқинланиб ёзилган.

Франция делегацияси айнан шу майдонда бўлиб турибди. Тунги чироқлар билан ёритилган мажмуанинг улугворлиги ва гўзаллиги меҳмонларда катта завқ уйғотди.

Шундан сўнг Президентлар “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасида бўлдилар.

Бу ерда халқимизнинг буюк ўтмиши рамзлари тўпланган, тарихий шаҳарларимиздаги диққатга сазовор жойларнинг нусхалари барпо этилган. Миллий аъналаримиз ҳамда дўст халқлар билан алоқалар тарихи ҳам акс эттирилган. Хусу-

сан, Афросиёб ёдгорлиги деворларида сақланиб қолган Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган. Бундай маъно-мазмун, тарих ва бугунги кун уйғунлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Давлат раҳбарлари ўртасида самимий мулоқот бўлди. Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари-дан бири бўлгани, бугун ҳам халқаро саммит ва туризм марказига айланиб бораётгани қайд этилди. Меҳмонларга халқимизнинг бетакрор бадиий, хунармандлик ва мусиқий маданияти намойиш этилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари, шу жумладан, олий даражадаги музокаралар 2 ноябрь кuni бўлиб ўтади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида

Конунчилик палатаси томонидан 2023 йил 10 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 28 октябрда маъқулланган

1-модда. Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилинсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари Ўзбекистон Республикасининг Туркий инвестиция жамғармасидаги улушини Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимда (Анқара, 2023 йил 16 март) назарда тутилган мuddатларда шакллантириш, шу жумладан унинг бошланғич капиталлигида 2 000 та акцияга обуна бўлиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаи эканлиги белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимнинг (Анқара, 2023 йил 16 март) бажарилиши учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағларни ўтказиш бўйича бюрутманомалар тақдим этиб бурсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Анқара, 2023 йил 16 март) бўйича депозитарий функциясини бажариши белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 ноябрь
№ УРҚ—875

Орелия БУШЕЗ:

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАШРИФИ ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон турли йўналишларда халқаро ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириб бормоқда. Айниқса, республикамиз Осиёдан тортиб, Европа ва Америка давлатларига чарча соҳада янгича тақлиф, ташаббуслар илгари сураётган юрт сифатида дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор бўляпти.

Бугун йирик лойиҳалар устида иш олиб бораётган, турли мамлакатларда маданий салоҳиятини намойиш этиб келаётган юртимиз Европа давлатлари, жумладан, Франция билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатган.

Ўтган йил ноябрь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга иккинчи тарихий ташрифи амалга оширилди. Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон 1-2 ноябрь кунлари расмий ташриф билан юртимизда бўлиб турибди. Ушбу воқеа олдида Ў.А. муҳбири **Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Орелия БУШЕЗ** билан икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи хусусида суҳбатлашди.

Дунё нигоҳи

ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ, ЮКСАК ИНСОНИЙЛИК ИФОДАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 31 октябрь куни Яқин Шарқдаги вазият кескинлашгани ҳақидаги баёноти халқаро сиёсий, эксперт ва жамоатчилик доираларида катта акс садо берди.

Ўзбекистон раҳбарининг **Ғазо сектори аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун БМТнинг Яқин Шарқ агентлигига 1,5 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, Фаластин халқи билан мустаҳкам бирдамлигини билдириши ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан илгари қабул қилинган қарорларга биноан ўзларининг мустақил давлатини ташкил этиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаши халқаро майдонда юқори баҳоланмоқда.**

Холид Таймур АКРАМ, Покистондаги «Ягона келажақ жамияти» таҳлил марказининг ижрочи директори:



— Покистон Ўзбекистон Президентининг Ғазо сектори аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ажратиш ҳақидаги қарорини ижобий баҳолайди. Бугунги кунда бутун мусулмон дунёси Фаластинда беғуноҳ одамлар, жумладан, аёллар ва болалар ўлаётган вазиятдан хавотир билдирмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг қарори, биринчи навбатда, Фаластин халқи билан бирдамлик, тинч аҳоли орасида кўплаб қурбонлар бўлаётганидан қайғуриш, шунингдек, инсонпарварлик кўмаги кўрсатишга бўлган интилиш сифатида кутиб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нуқтаи назари мусулмон олами раҳбарлари учун давлат арбоби сый-ҳаракатининг ажойиб намунаси ҳисобланади. Улар ўз мамлакатларида хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш учун зарур чоралар қўришлари лозим. Ўзбекистон раҳбари халқ кайфиятини нозик ҳис этгани ҳолда ўзбек жамиятида динлараро ва миллатлараро барқарорлик ҳамда тинчликни сақлаш учун оқилона ва вазминлик билан ҳаракат қилади.

Шу қатори, Ўзбекистон раҳбари эзгуликка йўғрилган қарори билан Фаластиннинг БМТ резолюцияларига

мувофиқ ўз мустақил давлатини тузиши ҳуқуқини ҳам қўллаб-қувватлади ва инқироз ҳудудида ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатишга даъват этди.

Марс САРИЕВ, қирғизистонлик мустақил эксперт, сиёсатшунос:

— Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни ҳукумат аъзолари билан учрашувда Ўзбекистон Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишини қўллаб-қувватлашини ҳамда Ғазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган



Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилгани ҳақида жуда муҳим баёнотини эълон қилди.

Менимча, бу ташланган жуда муҳим кадам бўлиши баробарида бошқа мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиё минтақаси давлатлари учун Фаластин халқига кўмак кўрсатиш нуқтаи назаридан яхши мўжза ва намуна ҳисобланади.

Президент ташрифидан сўнг

АВТОМОБИЛЬ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ САВДО МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Самарқанд туманида “AVTO MALL SAMARQAND” масъулияти чекланган жамиятининг автомобиль эҳтиёт қисмлари савдо мажмуаси иш бошлади.



Жорий йилнинг август ойида Самарқандда ташриф буюрган Президент Шавкат Мирзиёев мазкур бозорни ўз ичига олган савдо, саноат ва сервис мажмуаси қурилиш майдонида бўлган. 37 гектар ҳудудни эгаллаган мажмуада умумий қиймати 2 триллион 79 миллиард сўмлик 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Автомобиль эҳтиёт қисмлари бозори ушбу лойиҳаларнинг энг йириги бўлиб, 11 гектар майдонда барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари ўн мингга яқин иш ўринлари яратилган лойиҳаларни тешлаштириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлаганди.

“Нурли келажақ ишонч сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан 500 миллиард сўмлик лойиҳа асосида бунёд этилган мажмуанинг очилиш маросимида вилоят жамоатчилиги вакиллари, тадбиркорлар қатнашди.

— Ушбу савдо маркази “Univer Pro Stile” МЧЖ лойиҳаси асосида бунёд этилди, — дейди “Нурли келажақ ишонч сервис” МЧЖ раҳбари Акбарали Қайюмов. — Мажмуанинг биринчи қаватида автомобиль эҳтиёт қисмлари савдоси-

га мўлжалланган 751 та дўкон, 2 та автосалон, банк шохобчалари ва энгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш нуқталари мавжуд. Шунингдек, 2300 та автомобиль сизимига эга автотурагоҳ ўрин олган. Иккинчи қаватда эса кафе ва рестороанлар, тиббий хизмат кўрсатиш хонаси, тренажер зали, маъмурий хоналар жойлашган. Мазкур объект иш бошлаши билан 3 мингга янги иш ўрни яратилди.

Савдо маркази Самарқанд шаҳри марказидан 10 километр масофада, Самарқанд халқа йўли бўйида бунёд этилган харидорлар учун яна бир қулайликдир. — Бу ерлар жарлик, но-текис ва ташландиқ жой эди, энди эса қишлоғимиз атрофи саноат, хизмат кўрсатиш ҳудудига айланди, — дейди Самарқанд тумани ҳокимининг Дўстлик маҳалласидаги ёрдамчиси Баҳодир Абдураҳмонов. — Маҳаллаимиз аҳолиси, асосан, қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланади. Бозор ишга тушган, юзлаб маҳалладошларимиз шу ерда ишга жойлашиб, доимий иш ўрнига эга бўлди. Умуман, бозор атрофидаги турт-беш маҳалладан кўплаб ки-шиллар энди шу ердан даромад топиши мумкин.

«Халқ сўзи».

ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ, ЮКСАК ИНСОНИЙЛИК ИФОДАСИ

Уйлайманки, Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси эътибордан четда қолмайди ва минтақада қўллаб-қувватланади. Жумладан, Қирғизистон ҳам жамоат ташкилотлари орқали Фаластин халқи учун инсон-

парварлик юкларини шакллантирмоқда. Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг ҳамжиҳатлигидаги нуктаи назари мажбур вазиятни тезроқ ҳал қилишга кўмаклашади ҳамда Яқин Шарқдаги урушни тўхтатишга ёрдам беради.

Илгар ВЕЛИЗАДЕ, «Жанубий Кавказ» сийосатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):



— Ўзбекистон раҳбарининг баёноти халқро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларини қатъиян қўллаб-қувватлаш, ўз зиммасига олган мажбуриятларни адо этиш, жумладан, Ўзбекистоннинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотига доирасида ифодасини топан аънавий ташқи сиёсий стратегиясининг руҳи ва моҳиятига тўла

мос келадиган қадамдир. Расмий Тошкент мустақил Ўзбекистон давлати вужудга келган бутун тарихи давомида ҳеч қачон ўз сўзида қайтмаган, халқро ҳуқуқ меъёрларини, жумладан, гуманитар ҳуқуқни бузмаган ва дунёнинг турли бурчақларида унга қатъий риоя этилиши тўғрисида сўзлаш учун мамлакатнинг тўласинча маънавий ҳаққи бор.

Бугун кўп жабр кўрган Фаластин заминида бегуноҳ исроилликлар ва фаластинликларнинг яна қони тўкилмоқда, гуманитар вазият ёмонлашмоқда, одамлар нобуд бўлмоқда ва аф-

суски, бу инкирознинг кўлами ортмоқда. Ўзбекистон бўлаётган воқеалардан четда турмасдан, Фаластин халқига, Газа аҳолисига инсонпарварлик кўмаги юбориш орқали уларни қўллаб-қувватлаш учун амалий қадамларни ташламоқда.

Ушбу ёрдам ва гуманитар келишувга даъват фақат сиёсий аъналарга хурматгина эмас, бу, шунингдек, эъроонликини зудлик билан тўхтатиш ва музокаралар столига ўтиришга даъватдир.

Ушбу ёрдам ва гуманитар келишувга даъват фақат сиёсий аъналарга хурматгина эмас, бу, шунингдек, эъроонликини зудлик билан тўхтатиш ва музокаралар столига ўтиришга даъватдир.

«Дунё» АА.

Давра суҳбати

Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар ҳақиқий брендга — савдо белгисига айланди

Мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонасида Ўзбекистоннинг иқтисодий, сармовий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда савдо, транспорт, логистика, электроника, sanoat ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият олиб борадиган Хитойнинг 20 дан ортиқ йирик компания ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш бўйича эришилган муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, туризм ҳаёсидаги ўзгариш ва кўлга киритилган эътиборга молик муваффақиятлар, жумладан, виза тартиб-таъминларини енгилаштиришда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилгани тақдир қилинди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда ишбилармонлар ҳамда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар, инвесторларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолашди.

«Beijing Belt & Road Cooperative Community» президенти Хуа Хань Хитой ва Ўзбекистон ўртасида барча соҳада самарали алоқалар йўлга қўйилгани хусусида тўхталар экан, «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасида икки давлат турли жаҳалларда, шу жумладан, sanoat, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, логистика, қишлоқ

хўжалиги, туризм йўналишларида ўзаро ришталарни янада мустаҳкамлаётганини таъкидлади.

«E-to-China.com (ETCN)» бош директори Ху Цун Ўзбекистоннинг минтақа иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва таъсири охири бораётганини қайд этиб, «Рақамли Ипак йўли» ташаббусининг жадал ривожланиши минтақа мамлакатларининг иқтисодиётини ўзгартиришга имкон яратиши ва ўзи раҳбарлик қилаётган компания бу соҳада Ўзбекистон компаниялари билан ўзаро ҳамкорликка тайёр эканлигини айтди.

«Optima Integration Group» компаниясининг Халқаро алоқалар департаменти бош директори Ян Биньбинь Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар катта эътиборга эга бўлган ҳақиқий брендга — савдо белгисига айланганини ва бу махсулотлар юқори даражада рақобатбардош эканлигига тўхталди.

Унинг айтишича, «Optima Integration Group» компанияси қишлоқ хўжалиги махсулотлари sanoati тармоғига фаолият кўрсатади. Ян Биньбинь келажакда Ўзбекистонда етиштирилган табиий махсулотларни Хитой бозорига олиб келиш ниятида эканлигини билдирди.

«Дунё» АА. Пекин

Орелия БУШЕЗ:

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАШРИФИ ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ПойДЕВОР БўЛАДИ

Бу воқеа тўрт йил аввал амалга оширилган биринчи ташрифдан кейин мамлакатларимиз мисли кўрилмаган даражада яқинлашгани, давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги дўстлик риштаси янада мустаҳкамланганининг исботидир.

Мазкур ташриф чоғида икки давлат етакчилари Лувр музейи ва Араб дунёси институтида ўзбек маданияти ва тарихий меросига бағишланган икки нобв кўргазмани очиб берди. Бу лойиҳалар Франция жамоатчилиши ва пойтахтга ташриф буюрган сайёҳлар томонидан кўралиқ кутуб олинди. Луврдаги «Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари» кўргазмасига 300 мингдан зиёд кишилар ташриф буюрганини мамнуният билан таъкидламоқчи эдим.

Келишувлар турли соҳаларни қамраб олиб, жами ўн учта ҳужжат имзоланди. Яқинда қабул қилинган қўшма баёнотда давлат раҳбарлари учрашуви қандай кайфиятда ўтгани, ўзаро муносабатимиз, истиқболдаги қарарлар акс этди.

Умумий қиймати 5 миллиард еврога тенг ўттиздан зиёд иқтисодий битимлар имзоланди. Булар орасида жами 1 миллиард еврога тенг Франция тараққиёт агентлиги кредит дастури алоҳида аҳамиятга эга.

Келишувлар доирасидаги лойиҳалар бўйича ишлар айна пайт қизгин давом этмоқда. Қувонарлиси, аниқ натижаларга эришилган. Таълим соҳасидаги ҳужжатлар француз тилини ўқитиш бўйича ҳамкорлигимизга сезиларли туртки берди.

Маълумки, Франция ва Ўзбекистон аэроавтика соҳасида узок вақт давомида ҳамкорлик қилиб келаяпти. Жумладан, «Узавиация» фуқаро авиацияси агентлиги ва Франция Фуқаро авиацияси бош бошқармаси ўртасида имзоланган келишув доирасида ўзбекистонлик ўн икки нафар инспектор Тошкент шаҳрига тақлим этилган француз мутахас-

сиси томонидан назорат текшируви ўтказиш бўйича семинар-тренингга қатнашган. Франция иқлим ўзгариши каби глобал муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, Марказий Осиёда сув муаммоси жуда долзарб. Марказий Осиё халқро институти ва Франциянинг Марказий Осиё тадқиқот институти ўртасида имзоланган келишувга мувофиқ, «Марказий Осиёда сув» мавзусига бағишланган анжуман ҳамкорликда ташкил этилди.

Иқтисодий соҳада ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 2022 йил ноябрь ойида имзоланган келишув доирасида энг кўза кўринган ютуғимиз «Uzbekistan Airways» АЖ учун «Эйрбус А320/А321» ва «Силкэвиа АТР72-600» сотиб олинди. «Алстом» билан имзоланган «Йўл харита»си асосида йўлга қўйилаётган бўлажак Тошкент трамвай тизими, «Суез» компанияси томонидан пойтахт сув таъминоти тизимини модернизация қилиш каби йирик лойиҳалар ҳам мавжуд.

— Президент Эммануэль Макрон Ўзбекистонга илк расмий ташрифини амалга оширмоқда. Сизнингча, юқори мартабали меҳмоннинг келиши, ўтадиган тадбирларнинг аҳамияти ниҳада?

— Президент Эммануэль Макроннинг расмий ташрифи бир неча жиҳати билан тарихий воқеа. Биринчидан, бу Франсуа Миттераннинг 1994 йил апрелдаги сафаридан кейин Франция етакчисининг Ўзбекистонга илк бор келиши. Иккинчидан, бу ташриф 1993 йил 27 октябр санасида икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланишига ўттиз йил тўлиши муносабати билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Фарбдаги ҳамкорлари орасидан биринчи бўлиб имзоланган Битим мамлакатингиз мустақилликка эришгандан кейин юртимизга билдир-

ган юксак ишончини кўрсатади. Ушбу ҳужжат икки томонлама муносабатни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Алоқаларимиз кейинги йилларда барча соҳада мисли кўрилмаган даражада жадал тус олди.

Президентимизнинг ташрифи тарихий аҳамиятга эга экани ҳам шундан: бу ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Ва ниҳоят, ушбу ташриф учун Самарқанд шаҳри танлашиши билан Европа давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифларидан ажралиб туради.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил Париж шаҳрига амалга оширган ташрифи Ўзбекистонга бағишланган икки кўргазмани очилиши билан ўзига хос маданий аҳамият касб этди, қолаверса, кўплаб институти ва иқтисодий шартномалар тузиш имконини берди. Франция Президентининг ташрифида нималар кутамиз?

— Расмий ташриф тўртта асосий мақсадни кўзлаган:

Франция Президенти Ўзбекистон суверенитетини қўллаб-қувватлашни ва мамлакатнинг халқро шериклик алоқаларини диверсификация қилиш истиғини намойиш этиш ниятида. Бу, айниқса, Афғонистонда Талибон ҳокимиятга қайтган ва Россия — Украина зиддияти давом этаётган бир пайтда муҳим аҳамиятга эга.

Энг муҳими, мазкур ташриф янги иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали муносабатимизни энергетика, шаҳар хизмати, транспорт соҳаларидаги шериклигини янада кенгайтириш имконини берди.

Бугун бўлиб ўтадиган бизнес форуми доирасида Франциянинг йирик компаниялари ва Ўзбекистон ҳукумати ўрта-

сида бир қанча келишувлар имзоланади. Мазкур анжуман 50 дан зиёд француз компаниялари вакилларини жамлайди, бу Франция компанияларининг Ўзбекистонга қизиқиши ва иштиғи ортиб бораётганидан далolat. Президент икки томонлама Савдо-саноат палатаси очилишида ҳам иштирок этади. Демак, иқтисодий муносабатларимизда янги сурбат чинакамга акс этади.

Яна бир мақсад: глобал муаммолар, хусусан, Марказий Осиёга тасйир этувчи иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш. Бу масала бўйича сиёсий мулоқотдан ташқари, Франция тараққиёт агентлиги томонидан ажратилган инвестиция эвазига Ўзбекистоннинг «яшил энергия»га ўтиш борасидаги саъй-ҳаракати қўллаб-қувватланади.

Яна бир муҳим йўналиш — ўзбек ёшлари ва таълим. Бунда биз Президент Мирзиёев белгилаб берган устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаймиш. Таълим вазирликлари ўртасида француз тили ўқитувчилари малакасини ошириш, касб-хунар, мактабга таълим тизими ва мактаб ўқувчилари учун «ДЕЛФ» сертификатини жорий этиш каби мавзуларни қамраб олган келишув имзоланади.

Макрон Самарқанд француз альянсини очилиш маросимида қатнашади. Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмида жойлашган ушбу француз тили ва маданияти маркази француз тилини ўрганиш истиғидига ёшлар учун энг сеvimой жойга айланиши, шубҳасиз. Мажмуанинг очилиши тарихий шаҳарда француз сайёҳлари сонини кўпайтиши туфайли француз тилига нисбатан ортаётган кучли талабга муносиб жавоб бўлади.

ЎЗА МУХБИРИ Бехруз ХУДОБЕРДИЕВ суҳбатлашди.

ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМДА ИСТИҚБОЛЛИ АЛОҚАЛАР

Бугун Франция олий таълим тизими жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунинг асосий омилли француз олий таълим муассасаларининг ўз корпоратив, академик ва илмий тадқиқот тамойилларига содиқ қолган ҳолда динамик ривожланиш ҳамда глобал ўзгаришларга тезда мослашувчанлик кўрсатаётганидир. Француз университетлари ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқро ришталарни кенгайтириш орқали таълимда чуқур ихтисослашув йўлидан бормоқда. «Quacquarelli Symonds», «Times» каби жаҳоннинг етакчи рейтинг агентликлари рўйхатида юқори минталикка кирувчи олий таълим муассасалари қаторида Франциянинг камда 30 та университети доимий жой олиб келаётгани ушбу саъй-ҳаракатларнинг яққол натижасидир.

Мушоҳада

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Францияга ташрифи давомида имзоланган ҳужжат ва декларациялар қаторида маданий-тарихий мерос, мактабга, халқ ва олий таълим, давлат хизмати ривожлантириш соҳасидаги келишувлар мавжудлиги алоҳида эътиборга молик.

2021 йил октябр ойида Ўзбекистон — Франция биринчи таълим форуми Тошкент шаҳрида ўтказилган бўлса, иккинчи форум 2022 йил ноябрда Париж шаҳрида бўлиб ўтди. Шу кунлари жаҳонга машҳур Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросининг биринчи кўргазмаси ҳам очилиб минглаб санъат, маданият, тарих ихлосмандларини ўзига жалб этди. Ушбу кўргазма ташкилотчиларидан бири, ўзбек — француз маданий алоқалари ривожланишига ўз хиссасини қўшиб келаётган Лувр музейи Ислоҳ санъати департаменти археолог, машҳур олим Рокко Рантега яқинда Бухоро давлат университети фахрий профессори унвони топирилди.

Бухорода Франция тарихи ва француз тилини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Вилоятдаги француз тили ўқитиларидаги мактаблар ўқитувчилари, ўрта махсус ва олий таълим босқичидаги талабалар француз тили кўникмалари бўйича республикамизда етакчилардан хисобланади.

Бухоро ва Рюэй-Мальмезон

шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, расмий ва тадбиркорлар делегацияларининг мунтазам мулоқотлари, маданий соҳадаги қўшма лойиҳалар, кўргазма ва тақдиротларнинг ташкил этилиши муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хисса қўшмоқда.

2019 йилнинг апрель ойида Рюэй-Мальмезон шаҳрининг марказий боғларидан бирида «Ўзбек боғи» очилиб, унинг худудида бухоролик буюк олим Абу Али ибн Сино ҳайкали ўрнатилди. Жорий йилда Наврўз байрами муносабати билан боғда ўзбек боғдорчилигининг беазаги бўлган анор кўчатлари экилди.

Бухоро давлат университети ҳам Франция олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Аслида, француз олий таълими, маданияти, тили ва адабиёти билан таниши йўлидаги илк ташаббус 1969 йилда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети) таркибида Франция тили кафедрасининг ташкил қилинишига бориб тақалади. Албатта, бу ўзаро тил ва маданият борасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлида ташланган илк қадам бўлмаса-да, том маънода ёшларга буюк француз наомандлари Виктор Гюго, Жюль Верн, Александр Дюма, Онеоре де Бальзак, Жан-Батист Мольер, Ги де Мопассан меросини ас-



лий матнларда ўрганиш билан бир қаторда дипломатик алоқаларни ривожлантиришга замин яратган. Бугунги кунгача ярим асрдан охири давр ўтса-да, француз тили ва маданиятини ўрганишга бўлган ҳаракатлар кўна Шарқ дурдонаси саналмиш Бухорода ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Бухоро давлат университети француз тилини ўрганиши талабалари Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган «Талабалар ва ўқувчилар ўртасида театр ва кўшк фестивали», «Франкофония» тил байрами, «ДЕЛФ-ДАЛФ» ўқув ва тил имтиҳонлари ҳамда республика ва халқро фан олимпиадалари, танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Айни чоғда Франциянинг етакчи олий таълим муассасаларидан ҳисобланувчи Париж-Сақле, Сорбонна, Франсуа Рабле номлидаги Тур, Гренобль-Альп университетлари билан илмий йўналишларда ҳамкорлик ўрнатилган, ўзаро профессор-ўқитувчи, тадқиқотчи ва талаба алмашиниш амалга оширилмоқда. «Француз альянси» билан ҳамкорлик қўламини тобора кенгайтириб, француз тилини билмиш сертификатлари эга бўлганлар сонини охири бормоқда. «Эл-юрт умиди» жамғармаси танловлари гойибларини сифатида бир неча тадқиқотчи ўз илмий ишларини Францияда давом эттирмоқда.

2021 йилда «Франция — Марказий Осиё» парламентлараро дўстлик гуруҳи делегациясининг юртимизга ташрифи доирасида камингага Франция Сенатининг махсус кўкрак ни-

шони топирилди. Буни университетда француз тили ва маданияти, тарихий меросини ўрганиш борасида бажарилаётган ишларнинг эътирофи сифатида қабул қилдик.

Франциянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва муҳтор элчиси Орелия Бушезнинг 2022 йилда университетимизга ташрифи чоғида эришилган келишувлар олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига туртки берди. Натижада Франция элчихонасининг ташаббуси билан Виши шаҳридаги «CAVILAM» француз тили марказида бугунги кунда долзарб бўлиб турган «STEM фанларини ўқитишда француз тили имкониятларидан фойдаланиш», «Француз тилини ўқитишда замонавий тенденциялар» малака ошириш курсларида БухДУ ўқитувчиларининг малака оширишлари йўлга қўйилди. Бу ўша йилнинг ўзида 9 нафар профессор-ўқитувчимиз ушбу малака ошириш курсларини битириб қайтди.

«VATEL» меҳмонхона ва туризм мактаби билан ҳамкорлигимиз алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон академик рейтингларида «Туризм ва меҳмондўстлик» соҳаси бўйича жаҳонда 11-ўрин, Францияда 1-ўринни эгаллаб турган «VATEL» гуруҳи 1981 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда ўз таълим муассасалари, ресторани, меҳмонхоналари мавжуд бўлган йирик таълим кластерига айланган. У жаҳондаги меҳмонхона ва туризм менежменти йўналишидаги илк ва йирик бизнес мактаблар гуруҳи ҳисобланади. Айни чоғда унинг жаҳон бўйлаб 50 дан кўп шаҳарларда филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Бухоро давлат университети

Умуман олганда, Бухоро давлат университетида Франция таълим муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик мамлакатимизда замонавий билимларни эгаллаган, ўз касбининг устаси бўлган етук кадрларни тайёрлашга, шунингдек, давлатлараро дўстлик муносабатлари ривожига ҳам муносиб хисса бўлиб қўшилмоқда, десак, муболага эмас.

Обиджон ҲАМИДОВ, Бухоро давлат университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

МАҲАЛЛАНING ФРАНЦИЯЛИК БУВИЖОНИ

Кўхна Бухоронинг «Жалол Икромий» маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган қадимий кўчалардан бирида «Helene Oasis» деган ёзувни кўриш мумкин. Шарқона услубда бунёд этилган бу ховлидан сайёҳлар, хусусан, Франциядан ташриф буюрадиган меҳмонларнинг қадами узилмайди. «Helene Oasis» масъулияти чекланган жамиятига қарашли ушбу меҳмонхона фаолияти франциялик Элен Пелос хоним томонидан йўлга қўйилган.

Дўстлик ришталари

Мабодо, ховлининг қадимий эшигини чертиб, ичкарига кирсангиз, Элен хоним ўзбек тилида «Ассалому алайкум, хуш келибсиз!» дея халқимизга хос очик чеҳра билан кутиб олади.

Элен Пелос Франциянинг Безансон шаҳридан. 30 йилдан зиёд вақт мобайнида ўз юртида консерваторияда талабаларга сабоқ берган. Нафақага

чиққач, сайру саёхатни одат қилган.

— Бухорога 2006 йилда келдим-у, неча минг йиллик тарихга эга, самимий одамлар, айниқса, ёшлар билан гавжум қадимий шаҳарга ипсиз боғланиб қолдим, — дейди у ҳар гал қизувчан юртдошларимизга. — Бу кўхна шаҳар мени ўзига оҳанрабодек жалб этди. Орадан икки йил ўтиб, жамғар-

мамнинг бир қисмига шу ердаги ховлилардан бирини харид қилиб, меҳмонхона очдим.

Меҳмонхона иш юритувчиси Лола Облоқулованинг билдиришича, Элен хоним ҳар йили икки бор Бухорога келиб, 3-4 ой яшаб кетади. Кўни-кўшнилари билан суҳбатлашади. Миллий музика санъатимиз ҳамда шарқона таомларимиз ҳақида гурунглашишни хуш кўради. Қурбон ҳайитида жонлик сўйиб, маҳалладошларга ҳайитлик улашганига нима дейсиз?!

Этимш ёшни қоралаб қўйган Элен хоним алақачон маҳалланинг бувижонисига айланган.

Юқорида ўзбек — француз халқлари ҳамкорлиги, дўстлигига оид кичик бир далилни келтирдик. Ваҳоланки, икки давлат ўртасидаги алоқалар қамрови жуда кенг.

Дейлик, юртимиз таълим муассасаларида француз тилини ўқитиш борасида

бой тажриба тўпланган. Шу ўринда биргина Гижудовон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабини мисол тариқасида келтириш мумкин. Француз тилини чуқур ўргатиш борасидаги ютуқларидан келиб чиқиб, бу билим даргоҳига «Франциянинг Ўзбекистондаги мактаби», дея таъриф беришади.

Мазкур мактаб асосчиси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибни марҳум Саид Раҳмонов француз тилига оид бир қатор дарсликлар ҳаммуаллифи саналади. Заҳматқас ўқитувчи Франциянинг 1808 йилда таъсис этилган «Палим-академик» ордени билан тақдирланган эди.

Дарвоқе, Бухоро билан биродарлашганлар қаторида Франциянинг қадимий кентларидан бири — Рюэй-Мальмезон шаҳри ҳам бор.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



Сенатор ва ҳаёт

МАҚСАД — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАШ

Кейинги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг барча йўналишда салоҳиятини юзага чиқариш, айниқса, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги иштирокини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабаб ҳаракатлар тўғрисида ола-сингилларимиз турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ҳам самарали меҳнат қилиб узларини кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, бир муддат аввал Яққасарой тумани ҳокими лавозимига аёл раҳбар номзоди кўрсатилган ва у маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан бир овоздан маъқулланган эди. Ушбу мажлисда иштирок этган Олий Мажлис Сенати Раиси туман аҳолиси турмуш даражасини янада яхшилаш билан боғлиқ бир қатор вазифалар ҳусусида тўхтаган.

Кунини кеча Сенат Раиси Танзила Норбоеваннинг туман фаолилари билан бўлиб ўтган учрашувида ҳам худуднинг иқтисодий ривожлантириш бўйича мавжуд салоҳият хали тўла ишга солинмагани, ижтимоий соҳа объеклари, кўп қаватли уйлар, улардаги коммунал хизматлар сифатини ошириш бўйича аҳолини ташвишга солаётган қатор муаммолар борлигига эътибор қаратилди.

Уз навбатида, шу каби муаммоларни тизимли ҳал этиш ҳамда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли муаммоларини чуқур таҳлил асосида бартарат қилиш мақсадида Сенат аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ва Яққасарой тумани ҳокимлиги масъулларидан иборат ишчи гуруҳ тўзилиди.

Ишчи гуруҳга икки ҳафта муддатда тумандаги ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

ришга оид муаммоларни, мавжуд имкониятларни тўлиқ таҳлил қилиш орқали ҳолатни яхшилашга оид қўшимча чораларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Унда аҳолининг фикр-мулоҳазаларига устуворлик бериш, улар дуч келаётган, жумладан, тумандаги ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш, қолаверса, йўл, ичимлик ва оқова сув тармоқларини яхшилаш, шунингдек, янги хизмат кўрсатиш соҳалари ва объектларини ташкил этиш, аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш, камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида ургу берилиши кераклиги таъкидланди.

Қолаверса, инвестицияларни кенг ҳал қилиш, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва экспорт ҳажминини ошириш, маҳаллалар учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш каби йўналишларни қамраб олиш бўйича ҳам тавсиялар берилди.

Туман депутатларидан эса ушбу чораларни ишлаб чиқишда ва белгилаб олинган вазифаларнинг вақтида ҳамда сифатли бажарилиши юзасидан депутатлик назоратини амалга оширишлари талаб этилди.

Мулоқот давомида туман фаоллари ҳам ўз фикрларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

Бугунги кунда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклиги, шаффофлиги, ҳисобдорлигини таъминлаш юртимиз сийосатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Сенати Ахборот сийосати ва давлат органларида очиклигини таъминлаш масалалари кўмитаси томонидан парламент назорати доирасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларида очиклигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати доимий тарзда таҳлил этиб келинаётган.

Кўмитанинг кунини кеча бўлиб ўтган мажлисида ҳам «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонуннинг Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик ҳамда унга қарашли ташкилотларда қандайдир ижро этилаётганлиги атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, вазирилик ва унинг тасаруфидоги ташкилотлар томонидан 2023 йилнинг ўтган 9 ойида очиклигини таъминлаш йўналишида қатор ишлар бажарилган. Масалан, ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар веб-сайт, очик маълумотлар порталига (data.egov.uz) ўз вақтида жойлаштирилган. Айни чоғда жамоатчиликни вазирилик фаолиятининг етарлича бохабар қилиш мақсадида 20 та брифинг ҳамда 7 та пресс-тур ўтказилиб, янгиликлар аҳолига етказилган.

Йўналишда шу каби ижобий ишлар баробарида вази-

лик ва унинг таркибий тузилмаларида очиклигини таъминлаш борасида йўл кўрсатилган камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, айрим худудий бош бошқармаларнинг расмий веб-сайтида ижтимоий аҳамиятга эга маълумотлар ўз муддатига жойлаштирилмаган. Оила ва хотин-қизлар кўмитаси худудий бошқармаларида ахборот хизматлари ташкил этилмаган.

Маҳаллабй ишлар ва тadbиркорликни ривожлантириш агентлигида эса ҳозиргача расмий веб-сайт фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаган ҳамда ахборот хизматига маълумот шаш тайинланмаган. Вазирилик тизимидаги ташкилотларнинг ақсариятида фаолиятига оид ҳисоботлар, харид комиссиялари таркиби, мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилмаган ҳолда.

Шулардан келиб чиқиб, сенаторлар томонидан очиклигини таъминлаш борасидаги ишларни янада жонлантириш ва вазирилик фаолиятига алоқадор ахборотлардан жамоатчиликни ўз вақтида бохабар қилиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

«Янги Ўзбекистон — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ» ТАМОЙИЛИ — АМАЛДА

Янги таҳрирдаги Конституциямизда «Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат» деган тамойил қатъий белгиланган. Бу бежиз эмас. Чунки «ижтимоий давлат» негизда «Инсон қадрини улуғлаш» ғояси ётади. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини қамқолаш, сифатли таълим ва тиббий хизмат, болалар, хотин-қизлар, кексалар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожлар бандлиги, уларни уй-жой билан таъминлаш, ҳафсиз меҳнат шaroитларини қамқолаш деганидир.

Фикр

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда бу борадаги қонун ҳужжатлари, ижтимоий дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳаракатлари яқли ички маълумотга нисбатан 2 баравар ошиб, нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баравар кўпайди. Ҳар бир муҳтож инсонга унинг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди ва бу йўналишда мутлақо янги, ўзига хос тизим яратилди. Жумладан, «темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари», маҳаллабй ва ҳонадонбй ишлаш механизмлари айнан шу мақсадлар учун жорий этилган бўлиб, хотин-қизлар, ёшлар, умуман, ижти-

моий ёрдамга муҳтожлар муаммо ва камчиликлари манзилли ўрганилиб, ўз вақтида ва самарали ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Маълумки, кексалар ва муҳтожлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам, меҳм-мурувват кўрсатиш халқимизнинг эзгу қадриятларидан саналади ва бундад сай-ҳаракатлар бугун янгича мазмун-маъно касб этмоқда. «Беш муҳим ташаббус», «Ҳар бир оила — тadbиркор», «Обод маҳалла», «Ёшлар — келажикимиз», «Обод қишлоқ» каби дастурлар шу мақсадлар учун хизмат қилмаганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Юқоридаги фикрларимиз исботини

Конституциявий қонун: АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРИНИҒ МУҲИМ БОСҚИЧИ



Акс садо

Шерзод ҚУЛМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Сайлов — демократик давлатнинг муҳим белгиси. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида синовдан муваффақиятли ўтган сайлов тартиблари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида, айниқса, давлат қурилиши таърибасида сайлов тизимининг мажоритар, пропорционал ва аралаш турларидан унумли фойдаланиб келинмоқда.

Хозирги кунда юртимизда сайлов жараёнлари мажоритар тартибда ўтказилиб, Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу сайлов тизими асосида, яъни худудий йил мандатли округ бўйича сайланади.

Ўзбекистондаги амалиёт ва ҳозирги давлатлар таърибаси мажоритар сайлов тизимининг ижобий жиҳатлари билан бирга, қатор ўзига хос камчиликларини намойён этмоқда. Хусусан, парламентни шакллантиришда сайловчиларнинг ҳар бир берилган овози эмас, балки фойли бўлган номзодга берилган овозлари инобатга олинади. Яъни фойли бўлган номзодни сайлаган фуқароларнинг хоши-иродаси асосида вакиллик органлари шакллантирилиб, қолган сайловчиларнинг овозлари аҳамиятга эга бўлмайди.

Пропорционал сайлов тизимида эса сайловчилар аник бир шахсга эмас, балки сийсий партияларга овоз бериши ва депутатлик ўринлари партиялар олган овозларга мутаносиб равишда тақсимланади.

Мажоритар ва пропорционал сайлов тизими — аралаш сайлов тизими, деб юритилади. Хозирги кунда Жанубий Корея, Бельгия, Венгрия, Қозоғистон, Германия, Испания каби

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кунини кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси қизгин муҳокама этилиб ва қабул қилинди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган мажоритар ҳужжат би-



лаш Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизимини жорий этиш белгиланмоқда. Демак, мамлакатимиз сийсий ҳаётида мутлақо янгича тизим асосида сайловлар ўтказилишининг ҳуқуқи асоси яратилмоқда.

Хўш, аралаш сайлов тизимининг қандай афзалликлари бор? Ушбу қонун билан яна қандай янгиликлар қўзда тутилган? Шу ҳақда Қонунчилик палатаси депутатлари фикрларини ёзиб олдик.

Давлат ва жаҳият ўртасидаги уйғунлиқни таъминлашда, шубҳасиз, сийсий партиялар ва улардан сайланган депутатларнинг аҳамияти катта. Халқ вакилларининг сайланиши ва уларнинг мамлакат ҳаётида кечаётган сийсий жараёнларда фойли иштирок этишида очик ва шаффоф сайлов тизими зарур.

Жаҳон таърибасида ўзини оқлаган аралаш сайлов тизими — фуқароларимизнинг сийсий фаолиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса миллий парламентимиз фаолиятининг кучайиши, сийсий партияларнинг янада жадаллашувиغا туртки бўлади.

Кунини кеча қабул қилинган Конституциявий қонун сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституциявий мувофиқлаштиришга қаратилган билан эътиборга молик.

Чунки, ушбу қонун билан сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округларига ажратилмоқда. Қонунчилик палатасининг 75 нафар мажоритар тартибда алоҳида номзодларга овоз бериш орқали сайланади. Бу дегани депутатларнинг 50 фоизи худудий бир мандатли сайлов округида, қолган 50 фоизи партия рўйхати асосида сайланади.

Эътиборли жиҳати, аралаш тизим пропорционал тизимнинг умумий афзалликларини сақлаб қолган ҳолда сайланган депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги алоқани таъминлаш ҳамда мажоритар сайловда муваффақият қозона олмаган партияларга ҳам ўзлари олган овозларга мутаносиб депутатлик мандатларини

бошқариш тартиби ҳам ўзига хос. Бошқарув Жамғарма президенти, Бошқарувчилар кенгаши, Директорлар кенгаши, Бош директор ва ходимлар штатидан иборат бўлади.

Бошқарувчилар кенгаши жамғарманин олий бошқарув органи бўлиб, ҳар бир аъзо давлатдан унга бошқарувчи тайинланади. Директорлар кенгаши аъзо давлатлар вакилларидан иборат бўлади. Жамғарма президенти Бошқарувчилар кенгаши томонидан 4 йил муддатга тайинланади. Жамғарма президенти ва Бош директори давлатлар ўртасида келишилган ротацция тартиби асосида тайинланади.

Жамғарма ресурсларидан фойдаланиш тартиби ҳақида сўз кетганда, маблағлар ўзаро савдо, қўшма лойиҳалар, «яшил» иқтисодиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт, логистика ва бошқа устувор соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилиши таъкидлаш зарур.

Жамғарма тасвир мажлиси ўтказилган кундан бошлаб 20 йил давомида фаолият кўрсатади. Бошқарувчилар кенгаши исталган вақтда жамғарма фаолиятини тугатиш ёки узайтириш тўғрисида қарорга келиши бундан мустасно.

Хўш, ушбу битимнинг қабул қилиниши биз учун қандай имкониятлар беради? Аввало, халқро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини мустаҳкамлашга йўл очади. Муҳими, аъзо давлатлар ўртасида тadbиркорликни рағбатлантириш ва ижтимоий-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга замин яратади. Шунингдек, транспорт-логистика соҳасида Ўзбекистон учун долзарб бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда мамлакатлар ўртасидаги саноат кооперациясини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

зодлик мақомидан маҳрум этиш ҳамда унинг номзодликдан воз кечишга оид қондалар белгиланган. Худди шундай, пропорционал сайлов тизимида партиявий рўйхат асосида берилган депутатликка номзодларни номзодлик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва воз кечиш депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхатига олиш ва партия рўйхатидан депутатликка номзодни чиқариш тартиблари ҳамда аниқ механизмлари белгилаб берилмоқда.

Хусусан, 401-модда партия рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, бу бўйича тегишли ҳужжатлар рўйхатга олиш мудапти тугашига қамда етти кун қолганга қадар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилиши, партия рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугаланиши, рўйхатга олинганга тўғрисидаги хабар беш кунлик муддатда Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилиниши, белгиланган тартибда рўйхатга олинган партия рўйхатига киритилган депутатликка номзод мақомини олиши ва уларга гувоҳнома берилиши тўғрисидаги қондаларни ўз ичига олган.

Айтиш жоизки, белгиланган тартибда рўйхатга олинган партия рўйхатларини кенг жамоатчилик эътиборига эълон қилиш қондаларнинг белгиланиши сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг жорий этилаётган очиклик ва ошқорлаш принципларига тўла мос келади.

Шунингдек, айрим ҳолатларни истисно этган ҳолда рўйхатга олинган партия рўйхатига ўзгариш киритиш мумкин эмаслиги қондалар ҳам тақлиф этилган моддада мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бу қондалар мумкин нормалардан бири, деб айтиш мумкин. Сабаби ушбу қонда партия томонидан шакллантирилган номзодлар рўйхатига ташқаридан тасвир кўрсатишининг ҳар қандай имкониятларини ва умуман, инсон омилини минималлаштиришга ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Аёнки, амалдаги қонунчилигимизда мажоритар сайлов тизими асосидаги депутатликка номзодларни ном-

институтни қонун лойиҳасида белгилаб берилмоқда. Яъни ушбу муносабатларни тартибга солиш учун лойиҳа билан Сайлов кодексига киритилган 421-моддада партиявий рўйхатга киритилган номзодларни ушбу рўйхатдан чиқаришининг аниқ 9 та асоси белгилаб берилмоқда.

Мажоритар моддада агар депутатликка номзод иштиёрий ариза берганда, партия аъзоларидан чиққанда, номзодлик мақомидан маҳрум этилганда, депутатлик ваколатига мувофиқ келмайдиган лавозимга ўтганда, унинг бошқа партия рўйхатига ҳам номзодни кўрсатилганда, бошқа партиянинг аъзоси эканлиги аниқланганда, вафот этганда, муомалага лаёқатсиз, деб топилганда, шунингдек, оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлганда, унинг бир мандатли сайлов округидан ҳам номзоди кўрсатилганда партия рўйхатидан чиқарилиши мумкинлиги кўрсатилмоқда.

Шу ўринда агар юқоридаги асосларга кўра, белгиланган тартибда рўйхатга олинган партиявий рўйхатдаги номзодлар ушбу рўйхатдан чиқаришга ёки пропорционал тизим асосида шакллантирилган депутатлик ўрни бўшаб қолса, уларнинг ўрни қандайдир тўлдирлади, деган ҳақли савол туғилади. Бундай ҳолатларда қонун билан шундай қоида белгиланганлиги, унга кўра, бўшаб қолган номзод ёки депутат ўрни тегишли партия рўйхатидоги кейинги навбатдаги мандатга эга бўлмаган номзодлар ҳисобидан рўйхат кетма-кетлиги асосида тўлдирлади.

Умуман олганда, Конституциявий қонун сийсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамлашига, партиялар маъкеи ҳамда сайлов органларининг профессионаллик даражаси янада ошишига хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ҚОНУН ИЖРОСИ НЕГА КЕЧИКТИРИЛМОҚДА?

«Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Қонун 2020 йилда қабул қилинган ва ўша йилнинг 24 ноябрда Президентимиз томонидан имзоланган эди. Қонун ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, 2023 йил 1 январдан кучга кирган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликларининг раҳбарияти ҳамда маъсۇл ходимлари иштирокда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда мажоритар қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини назорат-таҳлил тартибда ўрганиш яқунлари муҳокама қилинди.

Қайд этилгандек, замонавий ривожланишнинг ҳозирги босқичида жиноят усуллари ҳам тақомиллаштириб бормоқда. Уларнинг асосий мақсади жиноят содир қилинган жойда из қолдирмаслик бўлиб, бу жиноятларни фот этиш жараёнини қийинлаштиришда. Илгор ҳорижий тажриба шунини кўрсатмоқдаки, жиноятчилик билан курашишда геном ахбороти маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни фот қилиш муҳим аҳамият касб этиб, юқори самара бермоқда. Ўз-ўзидан англашладикки, бедарак йўқолган шахсларни топиш ва топилган мурдаларнинг шахсини аниқлаш мақсадида, албатта, геном ахборотининг ягона маълумотлар базаси яратилиши лозим.

Тadbирда кўмита томонидан юқоридаги қонун ижроси доирасида ваколатли давлат органлари бажарган ишлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, назорат-таҳлил тadbiri жараёнида қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини билан яқиндан танишиш мақсадида кўмита аъзоларининг Ички ишлар вазирилик Экспертиза-криминалистика бoш маркази ҳамда мажоритар марказга қарашли Портлаш техник экспертизалар бўлимига ташрифи ташкил этилган.

Кўмита назорат-таҳлил тadbirida аниқланган камчиликлар, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Қонун ижроси қониларсиз ахволда деган хулосага келган.

Йўналишда ўрганишлар давомида қонун ижроси юзасидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда жиддий муаммолар мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Хусусан, ушбу ҳужжат ижросини таъминлашда асосий вазифалардан бири — геном бўйича давлат рўйхатини амалга оширишда олинган геномга оид ахборот ва одамнинг шахси ҳақидаги маълумотлар сақланган автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ҳисобланади. Қонун билан геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида Ички ишлар вазирилик белгиланган бўлиб, вазирилик томонидан Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини юритиш борасидаги ишлар Давлат бюджетидан маблағ ажратилмаётганини учун яқунга етказилмай қолмоқда. Ушбу вазифалар назарда тутилган муддатларда бажарилмаганлиги сабабли қонуннинг ижро этилиши ўн ойга кечиктирилмоқда.

Депутатлар қонун ижросини таъминлаш устидан назоратни қучайтириш лозимлигига эътибор қаратиб, вазирилик ва идоралар вакилларига бир қатор тақлиф ва тавсияларини берди.

Яқунда Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси аъзолари томонидан мажоритар ҳужжат ижроси парламентнинг доимий назоратида бўлиши алоҳида таъкидланди. Қонун тартибидоги масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

МИНТАҚАВЙ САВДО ВА ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА ЯНА БИР ҚАДАМ

Бугун дунёда кечаётган жараёнлар, турли минтақаларда қузатилаётган нотинчликлар барча мамлакатлар қатори Ўзбекистонга ҳам салбий таъсирини қўрсатиши, шубҳасиз. Ана шундай мураккаб вазиятда минг марта уйлаб, сўнг қадам ташлаш, оқилна қарорлар қабул қилиш ниҳоятда долзарб. Бу халқро муносабатларга ҳам тааллуқли.

Муносабат

Шу босис кейинги йилларда юртимизда очиклик ва вазирилик сийосати етакчи ўринда, десак, муболаға эмас. Яъни мамлакатимизнинг ташқи ва ички сийосати доир ислохотлар, қўрилган ички чора-тadbirlar натижасида тарихан қисқа даврда Ўзбекистон халқро майдонда ўз нуфузи ва айтар сўзига эга давлат сифатида намойён бўлди. Жамор давлатлар ва нуфузли халқро ташкилотлар билан муносабатларимиз ва қўлга киритилаётган катта-кичик ютуқлар шундан гувоҳлик бериб турибди.

Яқинда бўлган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялғи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган, кеча эса Президентимиз томонидан имзоланган «Туркий инвестиция жамғармасини тасвир этиш тўғрисида»ги Битимини (Анкара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам халқро майдондаги ютуқларимизнинг ўзига хос эътирофи, тасдиғи бўлди.

Маълумки, 2009 йилнинг 3 октябрида Туркий кенгаш ташкил этилган бўлиб, 2021 йил 12 ноябрда Туркий давлатлар ташкилоти сифатида қайта номланди. Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон унинг аъзоларидир. Кузатувчи давлатлар сифатида Венгрия, Туркменистон ва Шимолий Кипр ҳам тузилма ишида фаол қатнашиб келмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг асосий мақсади — аъзо мамлакатлар ўртасида минтақавий савдон ва иқтисодий фаолиқини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётни ривожлантириш ҳисобланади.

Ўзининг рақамларда кўриш мумкин: 2016 йилдан 2022 йилгача ижтимоий нафақаларга ажратилаётган маблағ 10 баравар оширилиб, 11 трлн. сўмга етказилди. Натижада ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони 2,1 млн.дан кўпайиб, мамлакатимиздаги жами оилаларнинг 23,3 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали қў

«Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун...»

Куз қандай фасл? Ўйлаб кўрганмисиз?! Ёшликда бу ҳаёлингизга ҳам келмайди. Чунки ёшлик — умрнинг баҳор фасли. Лекин ҳар қандай баҳорнинг зимнида куз бўлади. Биз уни кўрмаймиз. Гўёки билмаймиз. Инсон фикр ва ҳаёл билан яшайди. Дил ёзаётган япроққа қараб, кўнглидан ўтади: кузда тўкилади. Ерга тушади. Хазонга дўнади. Куз гойиб ҳувайдолиг эмас. Куз Марсадан ёки Меркурийдан келмайди. Баҳорнинг ботин-ботинидан, ёзинг ниҳон-ниҳонлигидан ўтиб, рўпарамизда кўринади. Ёки биз баҳору ёздан ўтиб, кузга етиб борамизмикан?!

Кузнинг заррин ўйлари

Борлиқда куз кезаяпти. Фақат ташкаридами? Кўз ўнгимиздами? Ич-ичимизда, кўнгли руҳиятимизда-чи? Куз тафаккуримизни-да ўйга толдирмаяптими? Ҳаёлимизни чувалаштирмаяптими? Кўёш нурларининг ҳорғинлиги, баҳордаги ям-яшил япроқларнинг сарғайиб жовдирашлари, мунгайган баргдаги шабнам қатрасининг кўз ёшдай мўлтираши... бари-бари бошқа дунёдами? Йўқ, бизнинг боғимизда, бизнинг руҳимизда. Буларни ҳис этмай бўладими?! Кўзларимизни юмолмаймиз... Кўнгли кўзларини-да ёполмаймиз... Кўриб турибмиз-ку! Барг узил-узил дейпти. Мевалари терилган... Мевасиз дарахт оғир, жуда оғир ўйга ўхшайди. Уни англай оласизми, тушуна оласизми? Уни қандай юпата-сиз? Инглаётгани йўқмикан у?

аслида, куз... куз фасли." Ҳа, шева-нинг сўзи бўла қолсин. Аммо нима учун у куз?! Нима, шевадаги сўзлар маъносизми? Моҳиятини нега унутганмиз! Форс тилида "Тийраи моҳ", оддийроқ қилиб айтилса, қора моҳ... яна тушунарлироқ дейилса, қора ой... тўғрими? Куз қора ойми? Фикрим қабул қилмайпти: куз — қора ой. Балки, бу ерда бошқа ўй бордир?! Бир пайтлар ҳаёлимдан ўтган эди... Қулиб қўйган эдим. Келинг, айтгин: куз — қора ой эмас, қоронғиликдаги ой... қайғуланаётган ой, ҳазинликдаги ой... хазонликдаги ой.

Кузда Мехрон куни бор. Бу байрам қандай пайдо бўлган? Табиат бу фаслда инсонга бор меҳрини, бор хосилини беради. Шунданмики? Қандай бўлса ҳам куз сизни ўйлантиради. Мен куз фаслида ҳаёлга толмайдиган одам борлигига ишонмайман. Ҳатто англаб етadими, англаб етмайди, болақайлар ҳам куз ҳавосида, куз пайтларида би-ир ўйларга толади-гандай...

Кузда бир ривоят бот-бот ёдимга тушади. Балки сиз ҳам эшитгандир-сиз?! Ривоят кузнинг бошқа бир зарифлигини, доим ҳам кўнглига келар-вермайдиган ботиний нурили жиҳатини эслатадигандай...

Куз мен учун улғу кекса Инсон... У билан сўхталашгим келади. Билмаганларимни сўрасам, дейман. Куз бу саволлар жавобини билар, балки... Тирамош... тирама... Эшитгансиз-а?! Олис йиллардан бери ўйлайман: "тирама" сўзининг маъноси қандай? "Куз"ни тирама, дейди-да. Наҳотки, шуни ҳам билмайсиз?! "Шеванинг сўзи бу,

Кузнинг кўнглидаги ҳаёлингизга ҳам келмайди. Чунки ёшлик — умрнинг баҳор фасли. Лекин ҳар қандай баҳорнинг зимнида куз бўлади. Биз уни кўрмаймиз. Гўёки билмаймиз. Инсон фикр ва ҳаёл билан яшайди. Дил ёзаётган япроққа қараб, кўнглидан ўтади: кузда тўкилади. Ерга тушади. Хазонга дўнади. Куз гойиб ҳувайдолиг эмас. Куз Марсадан ёки Меркурийдан келмайди. Баҳорнинг ботин-ботинидан, ёзинг ниҳон-ниҳонлигидан ўтиб, рўпарамизда кўринади. Ёки биз баҳору ёздан ўтиб, кузга етиб борамизмикан?!

Кузда бир ривоят бот-бот ёдимга тушади. Балки сиз ҳам эшитгандир-сиз?! Ривоят кузнинг бошқа бир зарифлигини, доим ҳам кўнглига келар-вермайдиган ботиний нурили жиҳатини эслатадигандай...

Куз мен учун улғу кекса Инсон... У билан сўхталашгим келади. Билмаганларимни сўрасам, дейман. Куз бу саволлар жавобини билар, балки... Тирамош... тирама... Эшитгансиз-а?! Олис йиллардан бери ўйлайман: "тирама" сўзининг маъноси қандай? "Куз"ни тирама, дейди-да. Наҳотки, шуни ҳам билмайсиз?! "Шеванинг сўзи бу,

эшигини оҳиста майин туртди. Боғбон чиқиб келди. Шоҳ рўпарасида юзидан нур ёғилиб турган, оппоқ соқолли, нуруний киши. Жуда фарштали. Шоҳ беихтиёр отдан тушди. Нуруний билан саломлашди: — Чанқадим. Жуда чанқадим. Бир пиёла сув берсангиз, — шоҳ холдан тойган тарзда қаради. Боғбон: — Ҳозир... Ҳозир, — деганча боғ эшигидан ичкарига кириб кетди. Кўп вақт ўтмади. Кўз очиб юмгунча, десак ҳам бўлар. Боғбон шошилганча келди: — Марҳамат, мана, бир коса анор суви... анор шарбати.

Боғбон ҳаяллади. "Ҳа" деганда келавермади. Шоҳ тоқатсизланди. Бир пайт боғбон чинни косада озгина анор шарбати билан чиқиб келди. Меҳмонга узатди. Шоҳ ичиб бўлиб, синчков қараб, сўради: — Биринчи косадаги анор шарбатини бир лаҳзада олиб келдингиз. Тўла эди. Лиммо-лим эди. Иккинчи коса анор суви учун анча ушландингиз. Косада анор суви бор-йўқлигига экан. Сабаб? Бу не ҳолнинг белгиси? Нечун бундай бўлди? Боғбон хижолатланди. Ўзи ҳам нуқлай ҳолатда эди. Лекин пиру валийликдан хабари бормидимикан, рост гапни, кўнглидаги ҳақиқатни айтди: — Сиз, биринчи бор... келган пайтингиз, юрагингизда ҳайрат ила боққа назар ташлаб, сув сўрадингиз... бир донга анордан бир чинни коса ширин шарбат чиқди. Сиз иккинчи бор, сув сўрадингиз... бу пайтда, сизнинг қалбингизни ҳасад забт этган эди. Аввал, яхшилик баҳрида эдингиз, кейин ёмонлик захрида қолдингиз. Дунёни боғу бўстон қилгувчи ҳам, нобуду вайрон қилгувчи ҳам кўнглидир... Ниятдир. Ҳайратнинг ичиде ҳаёт яшайди. Ҳасаднинг ичиде йўқлиги барбодлик.

Калби нафс йўлида эврилаётган шоҳ ким? Биз кузга қандай ният билан қарасак, ўшани топамиз. Кузга меҳрон кўнгли билан назар ташласак, меҳрни, баракани, мўл-кўллики, лиммо-лимликни, гўзал бахтни, нурили умрни — чинни коса тўла анор шарбатини тўйиб, мириқиб, яйраб симирамиз. Кузга ёмон фикр билан қарасак, унда қоронғиликни, нолонғуликни, гаму қайғулик, ёту ёғуликни кўраемиз. "Фамда мен қувонччи кўраман" (Пахлавон Маҳмуд), дейди аллома. Кузда ноёб-ноёб мунавварликлар кўринмай кезади. "Бу кўнларга етганлар бор, етмаганлар бор" (Ҳалима Худойбердиева). Элимизда "Кўша қаринлар, кўша қариб юринлар", деган олтин сўзлар юради. Бу — чинни косадаги лиммо-лим анор шарбатини симириб юринлар, дегани эмасми?! Баҳорми, ёзми, кузми, ҳаммаша ҳайрату ҳавас билан умрни қўёшли қилинлар, дегани-ку бу. Боболарнинг, молларнинг бағри неварачевара, эвалар билан тўла бўлса... бу — ҳаёт ширинлиги!

Термизда Оромиддинжон деган табиб дўстим бор, анча танилган. Сўхбатини олиб тураман. Қизиқ гапни айтиб қолди: — Кузнинг қуёши даволарнинг давоси, шифоларнинг шифоси. Бу фаслнинг майин иссиғи, ёқимли нури 300 дан ошиб касалликларга малҳам. Куздаги офтоб тафти минглаб "таблетка"дан афзал. Буни билган билади, билмаганлар шифохонада "осма" укол олиб ётибди. Кузнинг қуёши борасида Ибн Сино бобомиз қойилмақом қилиб ёзиб кетган. Оромиддинжон кузнинг шифобахш иссиғи ҳақида гапириб адо қилолмайдди. Кузнинг шифобахш нурига навобахш ҳол пайвастанди. Ўзбекистонда кўчатлар экиляпти. Миллионлаб, юз миллионлаб кўчатлар... Кузнинг кўкраги кўтариляпти. Арчалар, бодомлар, тераklar, ўриклар... санаб саногига етолмайсиз. Кўчат экиб кўргансиз-а?! Нимани ҳис қилгансиз?! Кўнглингизда қандай кўчни туйгансиз?! Буни маълум бир ишни бир ишни бажармисиз эмас. Асло, бу табаррук юмуш. Экаётганингизда ниҳолга кўзингизнинг нурулари сингади. Кўчат жон-жонидеги бир нима ёруғликлар юрагингизга туташади. "Шу кўчатни мен эдим. У энди



ўсади, бўй кўрсатади. Мева тугади. Одамлар мевасини тотиб, "Бу дарахтнинг экканга раҳмат", дейди. Умрингизга умр кўшади қадаётган ниҳолларингиз. Вужудингиз кучланади, гурурингиз нурланади. Сиз ҳаётнинг азиз инсонисиз, кўчатлар экяпсиз. У кўнглингизда ўрнашади: "Куз пайти эди, арик сувлари тип-тиник кўнлар... кўчат эдик, сув қуйдик..." Унутломайсиз бу ниҳолларни. Дарахт бўлиб бўй чўзганларини кўргингиз келади. Ўн йиллардан ошди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг нажиб кўнлари сабаб, у азиз ва табаррук инсон туғилган қишлоққа бордик. Бог ташкил этилди. Мен ҳам... ҳа-ҳа, ўша боққа мен ҳам олма кўчатларини эдим. Ҳалигача соғинаман ўша кўчатларни. Катта дарахтларга айланган, биламан. Борсам, танийман. Албатта, топиб оламан. Саломлашаман, кучиб, бағрларидан ўпаман. Каерда, қачон, қандай кўчат эккан бўлсам, улар менга азиз. Юрагимда гурқираб боряпти улар. У кўчатлар, у дарахтларда умримнинг бир парчаси бор. Кузнинг яна бир мўъжизаси ҳақида гапирмасам, кўнглим тўймайди... Буни билганлариде профессорлар, академиклар, зўр-зўр олимлар ҳам ҳайрон қолишган... Халқимиз кўп донишманд. Бодом — совуқлик, ёнғоқ — иссиқлик, дейди. Лимон, ошқовоқ — совуқлик... Тиббиётчилар буни осонлик билан тан олмайди. Сафсатага йўяди. Айниқса, бу хол шифокорларни, ҳақимларни лоб қолдиради — ишонилмайди. Гап талқиннинг сир-синаотида. Сирли холга ўхшайди. Кузда мезон учди. Оппоқ мезонлар... Кўрганмисиз?! Мен кўриб, қўлларимга ўраб, роса тикилганман.

Сирини билай, деб. Боболаримиз нақл қилади: мезон сувини ичган тарвуз иссиққа ўтади. Олдин совуқлик эди. Энди иссиқлик. Қандай қилиб?! Бу — кўпчилик англолмайдиган сир. Кузнинг қузлиги шунда. Бу фаслда кузга кўринмас, майин, нозик, нафис ва буюк иссиқлик бор. Қанча-қанча совуқ неъматлар иссиққа ўтади. Куз ақл бовар қилмас ҳолатларга бой. Отам айтди: мезон шамолни еб, иссиғига тўйинган тарвуз отнинг гўшти билан тенг бўлади, жуда иссиқ... ниҳоятда иссиқ келади. Тўғри, фан, илм ҳали бунинг сабабу жароғларини кашф қилмади. Бирок қачондир кашф этилади. Шунда донишманду табаррук кузга яна бир бор табассум билан таъзим қиламиз. Кузги ҳаёллар учгани-учган. Қўшилиб учиб боряпман. Аммо ҳаёл ҳаммаша чексиз. Адоғи кўринмайди. Куз "деҳқон" шоирлардан буюк шоирларга... ҳаммасига чексиз илҳом берган. Куз фаслида абадий яшайдиган шеърлар дунёга келган. Ўйбериб қилдингизми? Куз ҳаёт ўткинчилигини эслатади, лекин куз илҳомларидан туғилган шеърлар абадий... минг йиллаб яшайди. Ҳаммаси ўтиб кетади, деяётган кузнинг асрори завқларидан мангулик яралади. Куз — қудратли. Унинг сирлариде абадийлик кўринади. Куз ва шоирлар... О, қизик мавзу!

Юргил, далаларга кетайлик, дўстим, Диққинафас уйда ётмоқ пайтмас. Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун, Бир пари фаслнинг оғушида маст. Буюк шоир Абдулла Ориповнинг марварид мисралари куз ҳаёлларининг ёмби ифодаси... Менгюр ОЛЛОМУРОД, шоир. Сурхондарё

Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги 141, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124 ҳамда 2022 йил 25 июлдаги 404-қарорларига асосан Айдар-Арнасой кўллар тизимининг бўш сув ҳавзалари участкалари танлов асосида ижарага берилиши маълум қилинади.

Танлов ташкилотчиси: "Айдар-Арнасой кўллар тизими" МЧЖ.
Манзили: Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Фолиблар шаҳарчаси.
Телефонлар: (93) 303-44-28; (88) 567-00-05.
Электрон почта: aydarkol@umail.uz
Танлов предмети: Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги **191,6 минг гектар** бўлган жами **95 та лотни** балиқ овлаш ҳўжалиқларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш учун 10 (ўн) йил муддатга очик танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлар танлов ҳақидаги батафсил маълумотларни "Айдар-Арнасой кўллар тизими" МЧЖдан олишлари мумкин.

Талабгорлардан аризани кўриб чиқиш учун БХМнинг учдан бир баравари миқдорида тўлов ундирилади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига келиб тушади ва танловни тайёрлаш ҳамда ўтказиш учун ишлатилади. Буюртманомани кўриб чиқиш учун тўланган тўловлар қайтарилмайди.

Бундан ташқари, талабгордан сув ҳавзаси участкаси учун белгиланган йиллик ижара ҳақининг 30% миқдорида тўлов (гаров пули) ундирилади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига келиб тушади ва танлов солибининг дастлабки ижара ҳақи учун тўлов сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Танловда солиб бўла олмаган талабгорларнинг ушбу тўлови қайтарилмайди.

"Траст банк" ХАБ Жиззах вилояти филиали
хўр: 2021 0000 1007 4754 5001; МФО-01166; СТИР: 304 741 887;
"Айдар-Арнасой кўллар тизими" МЧЖ.
Тўлов мақсади: "Танловда иштирок этиш учун тўлов".

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали буюртма хат билан, аризани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати билан бирга, муҳрланган 2 та конвертда (асли ва нусхаси) қуйидаги ҳужжатларни "Айдар-Арнасой кўллар тизими" МЧЖга тақдим этиши лозим:

- Кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (жумладан, БХМнинг учдан

бир баравари миқдорида тўлови ва йиллик ижара ҳақининг 30% миқдори тўланганлигини тасдиқловчи);

- Корхона гувоҳномаси ва устави (низом) нусхаси;
- Корхона раҳбари паспорт нусхаси, раҳбарликка тайинланганлиги тўғрисида буйруқ. Корхонада мавжуд ишчи ходимлар рўйхати (паспорт нусхалари илова қилинган ҳолда);
- Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа;
- Бизнес-режада қуйидаги асосий қоидалар акс эттирилиши лозим:
 - бир йилда ўртача овлашни қутилаётган миқдор;
 - иктисодий самарадорлик ҳисоб-китоблари ҳақидаги маълумотлар;
 - критерийли қутилаётган инвестиция миқдори ва соҳаси;
 - балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режанинг молиялаштириш манбалари (талабгорнинг ўз маблағлари ҳисобига, кредитлар ва ҳоказо) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар;
 - ташкил этиладиган иш ўринлари сони;
 - ходимлар штатининг тахрибали балиқчилар, ихтиологлар, бошқа мутахассис ва экспертлар билан тўлдирилганлиги;
- Корхона балансидаги ёки айнан корхона раҳбари номидаги балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситалари (русуми кўрсатилган қайқлар ва моторли қайқлар, автотранспорт воситалари, овлаш қуроллари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказолар)нинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;
- Талабгор корхонанинг умумий ва балиқчилик соҳасидаги фаолият даврига оид маълумот. Хусусан, балиқчилик соҳасида муқаддам фаолият олиб борган

Талабгорларнинг танлов таклифлари жойлашган конвертлар 2023 йил 1-2 декабрь кунлари соат 10.00да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Бешкувур кўчаси, 56-ўйда жойлашган Сирдарё — Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маъмурий биносиде очилади.

Танловга ҳужжатлар танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган санадан бoshлаб ўттиз кун давомида, яъни 2023 йил 30 ноябрь соат 18.00 га қадар жамият маъмурий биносиде қабул қилинади.

ва бугунги кунда жамият унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси" ДУК билан шартнома асосида иш олиб борганлиги, шартнома бўйича мажбуриятларини бажарган-бажармаганлиги, ижара шартнома бўйича қарздорлиги ҳолати;

- Корхона баланси (ўтган йил якуни ёки жорий йил якунланган чораги бўйича), яъни ўз маблағлари ва молиявий ҳолати тўғрисида маълумот;
- Талабгорнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлари лозими.

Талабгорлардан юқорида кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар жамиятдан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олишлари мумкин:

- Танловда иштирок этиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати;
- Танловга қўйилган сув ҳавзаси участкаларига оид маълумотлар:
 - сув ҳавзаси участкаси (контур)нинг рақами;
 - сув ҳавзаси участкасининг жойлашган координатлари;
 - сув ҳавзаси участкасининг майдони;
 - сув ҳавзаси участкасининг харита-схемаи;
 - сув ҳавзаси участкасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги;
 - сув ҳавзаси участкасининг йиллик ижара ҳақи миқдори;
- "Айдар-Арнасой кўллар тизими" МЧЖ участкаларини балиқ овлаш ҳўжалиқларига балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартнома лойиҳаси билан жамиятда танишишлари мумкин.

РЕКЛАМА

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

TOSHKENT FARMASEVTIKA INSTITUTI

kafedralardagi quyidagi lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

Farmasevtik kimyo kafedrasi bo'yicha: kafedra mudiri.

Farmasevtik ishlab chiqarishni tashkil qilish va sifat menejementi kafedrasi bo'yicha: professor — 1, dotsent — 3, katta o'qituvchi — 2, assistent — 1.

Toksikologik kimyo kafedrasi bo'yicha: kafedra mudiri, professor — 1, dotsent — 1, katta o'qituvchi — 1.

Ijtimoiy fanlar kafedrasi bo'yicha: kafedra mudiri.

Dori turlari texnologiyasi kafedrasi bo'yicha: katta o'qituvchi — 2.

Noorganik, fizik va kolloid kimyo kafedrasi bo'yicha: kafedra mudiri, professor — 1, dotsent — 1.

O'zbek tili va adabiyoti kafedrasi bo'yicha: katta o'qituvchi — 2.

Farmasevtika ishini tashkil qilish kafedrasi bo'yicha: kafedra mudiri, assistent — 3.

Dori vositalarining sanoat texnologiyasi kafedrasi bo'yicha: dotsent — 2, katta o'qituvchi — 1, assistent — 2.

Farmakognoziya kafedrasi bo'yicha: professor-1, dotsent-2, assistent-1.

Fizika, matematika va axborot texnologiyalari kafedrasi bo'yicha: assistent — 1.

Organik sintez kafedrasi bo'yicha: professor — 1, katta o'qituvchi — 2, assistent — 1.

Analitik kimyo kafedrasi bo'yicha: kafedra mudiri, professor — 1, dotsent — 1, assistent — 2.

Farmakologiya va klinik farmatsiya kafedrasi bo'yicha: dotsent — 1.

Farmakognoziya va dori vositalarini standartlash kafedrasi bo'yicha: kafedra mudiri, assistent — 2.

Tanlov O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006-yil 10-fevraldagi 20-son qaroriga muvofiq "Oliy ta'lim muassasalariga pedagog xodimlarni tanlov asosida ishga qabul qilish tartibi to'g'risida"gi Nizom talablari, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 25-avgustdagi 246-son "O'zbekiston Respublikasi hukumatining ayrim qarorlariga pedagogik faoliyat samaradorligi va sifatini oshirish bilan bog'liq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori asosida o'tkaziladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun arizalar e'lon chop etilgan kundan boshlab 1 oy ichida qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Oybek ko'chasi, 45-uy.
Telefonlar: 71-256-37-38, 71-256-38-50.

ЭЪЛОН

2023 йилнинг 10 ноябрь кунини "MAXCAB" МЧЖ корхонаси (Янгиҳаёт тумани Чортоқ маҳалласи Жанубий саноат ҳудуди 115-ўй) биносида экология хулосасини олиш бўйича жамоат йиғилиши ўтказилади.

Шу ҳудудда яшовчи фуқароларни таклиф қиламиз.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибсиз 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-ўй.

Набатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.08 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6